Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 230 (5221).
10 ОКТЯБРЬ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КОММУНИСТЛАР, КОМСОМОЛЛАР! БИРИНЧИ БУЛИБ ПАХТАКОРЛАРНИНГ САФЛАРИДА ТУРИШ, ЭНГ ҚИЙИН УЧАСТКАЛАРДА ПЕШҚАДАМ БУЛИШ, ОДАМЛАРНИ РУҲЛАНТИРИШ—БИЗНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИМИЗДИР. ҚУЛ ТЕРИМИДА ҲАМ, «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ ИШЛАТИШДА ҲАМ, ПАХТА ТАШИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ҲАМ, ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХУЖАЛИК РАҲБАРИ, ПАХТА КОНВЕЙЕРИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ ЮКСАК ЛАВОЗИМИДА ҲАМ ФИДОКОРЛИК НАМУНАЛАРИНИ КУРСАТИНГИЗ! ТЕРИМ КАМПАНИЯСИНИ ТЕЗРОҚ ВА СИФАТЛИ ТУГАЛЛАШ, МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МАСАЛАЛАРИ ҲОЗИР УТКАЗИЛАЁТГАН ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА БОШ МАСАЛАЛАР БУЛМОҒИ ЛОЗИМ».

(Узбекистон партия ва ҳукуматининг республика барча меҳнаткашларига Мурожаатидан).



# БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

## ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

## «ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган маълумот.**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бухоро | 1,62 | 58,13 | 0,31 | 4,79 |
| Хоразм | 2,63 | 55,44 | 2,00 | 20,78 |
| Тошкент | 2,68 | 54,57 | 2,38 | 43,16 |
| ҚҚАССР | 2,60 | 51,05 | 2,11 | 28,75 |
| Фарғона | 1,94 | 42,35 | 0,36 | 2,15 |
| Сурхондарё | 1,73 | 41,80 | 1,17 | 19,03 |
| Андижон | 2,21 | 39,19 | 1,06 | 7,00 |
| Навоий | 1,64 | 38,40 | 0,67 | 4,70 |
| Наманган | 2,44 | 38,24 | 1,79 | 16,08 |
| Қашқадарё | 1,89 | 38,13 | 1,34 | 14,87 |
| Самарқанд | 1,95 | 36,68 | 0,97 | 7,49 |
| Сирдарё | 2,92 | 36,65 | 3,12 | 31,44 |
| Жиззах | 3,12 | 35,06 | 3,03 | 36,46 |
| Республика бўйича | 2,22 | 43,32 | 1,57 | 18,53 |



Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхознинг чевар теримчиси Р. Норматова ҳар куни 130 килограммдан ошириб «оқ олтин» термоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.






Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдураззоқовларнинг репортажини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг студентлари Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам беришяпти.

СУРАТДА: инженерлик-экономика факультетининг IV курс студентларидан И. Бакаев (чапда), А. Тиллаев ва М. Ускиновлар ўқитувчи К. Мирдадаев (чапдан иккинчи) билан пахтани сифатли териш ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Т. Каримов фотолари.



# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ташқи ва ички сиёсатга доир бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг 1983 йил 28 сентябрда эълон қилинган Баёноти хусусида бутун дунёда кенг кўламда фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу Баёнот ғоят катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг ядро уруши хавфининг олдини олишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини чуқур ва ҳар томонлама ифодалайди. Баёнотда дунёда вужудга келган вазият синфий жиҳатдан пухта анализ қилинади, АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда амалга ошираётган милитаристик йўл принципиал баҳоланади ҳамда президент Рейганнинг Совет Иттифоқига ва социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларга қилаётган қўпол тухмат-бўҳтонларига ва ашаддий хуружларига муносиб зарба берилади.

Совет халқи Ю. В. Андроповнинг Баёнотини астойдил маъқулламоқда. КПСС Марказий Комитети, давлат ва жамоат ташкилотлари, матбуот, радио ва телевидение номига меҳнаткашлардан кўплаб хатлар келди ва ҳамон келиб турибди. Меҳнат коллективларида кўпдан кўп йиғилишлар бўлиб ўтди. Москвада урушга қарши оммавий намойиш ўтказилди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини унинг совет халқи, ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлашга ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган қатъий ўзгармас йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари Америка империализмининг инсон зотига душман авантюристик сиёсатини, НАТО мамлакатларида ва аввало АҚШда олиб борилаётган Советларга қарши кампанияни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Қардош социализм мамлакатларининг халқлари, Коммунистик ва ишчи партиялар, ташкилотлар ва тинчликсевар жамоатчилик ҳаракатлари Ю. В. Андроповнинг Баёнотини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бу ҳужжат бутун инсоният учун зўр аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат бўлиб, милитаризм кучларини тўхтатиб қолишга, дунёнинг ядро уруши томон силжиб боришига йўл қўймаслик учун курашишга СССР азму қарор берганлигини намойиш этади, деб уқтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси совет кишиларининг олижаноб ҳис-туйғуларига, бутун планетадаги холис ниятли кишиларнинг бирдамлигига юксак баҳо бериб, ўзининг ленинча тинчлик сиёсатига муттасил содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади ва шу билан бирга АҚШ билан НАТОнинг хатарли режаларини амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай уринишларига Совет Иттифоқи муносиб жавоб бера олади ва унинг сўзи билан иши ажралмасдир, деб яна бир карра айтиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ю. В. Андропов Баёнотида айтиб ўтилган ғоялар ва қоидаларни тобора чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, Совет давлатининг ташқи ҳамда ички сиёсатини ўтказишда уларни амалда рўёбга чиқаришга доир конкрет тадбирларни белгилади. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари конкрет хўжалик сиёсий вазифаларни ҳал этиш, барча участкаларда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш билан пухта боғлаб олиб борилиши, планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтиришга меҳнаткашларни сафарбар этишга актив кўмаклашиши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари А. Н. Муҳаммад билан ўтказган суҳбати якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ана шу суҳбат чоғида халқаро вазиятнинг, қуролланиш пойгасига қарши, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашнинг энг муҳим проблемалари юзасидан икки мамлакатнинг фикрлари бирлиги таъкидланди, Совет Иттифоқи билан Демократик Яман ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни изчиллик билан чуқурлаштириш ва ривожлантириш муддаоси изҳор этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Россия Федерацияси Ноқоратупроқ зонасининг қиёфасини ўзгартириш программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кейинги даврда мамлакатнинг ана шу жуда кенг зонасида ерларни мелиорациялаш ва химиялаш, колхозлар ва совхозларни ташкилий ҳамда техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқни социал қайта қуриш борасида талайгина ишлар қилинди. Партиянинг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартиришга доир ўтказиб келаётган йўли ва ҳозирдаёқ амалга оширилган тадбирлар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир ўтказа бошлади. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Ноқоратупроқ зонадаги областлар билан автоном республикалар ўтган йили ва шу йил ғалла тайёрлаш планини бажардилар. Гўшт ва сут харид қилиш бирмунча ошди.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартириш соҳасидаги ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда зарур бурилиш таъминланмаган. Зона қишлоқ хўжалиги кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш ва химиялаш, ердан оқилона фойдаланиш асосида интенсив ривожланиш йўлига суст ўтказилмоқда. Бунинг натижасида моддий-техника ресурслари ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш фондлари етарлича самара бермаяпти.

РСФСР Министрлар Советига, министрликлар ва идораларга, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, Ноқоратупроқ зонани юксак даражада ривожланган деҳқончилик ва чорвачилик регионига айлантириш юзасидан амалий тадбирлар кўриш таклиф этилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш, меҳнат ва маданий шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, бу ишга шаҳарлардаги корхоналар ва ташкилотларни кенг жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Ўн иккинчи беш йиллик планини тайёрлаш чоғида Ноқоратупроқ зонани янада ривожлантириш, мамлакат шу зонаси қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громиконинг Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги ахборотини маъқуллади.

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Шу йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 5 ва 6 ноябрь дам олиш кунлари 7 ва 8 ноябрь байрам кунларидан олдин келиши ва шу тариқа кўпчилик корхоналар ҳамда ташкилотларда сурункасига тўрт дам олиш куни бўлиши муносабати билан, 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини муваффақиятли бажариш мақсадида СССР Министрлар Совети қарор қилди:

1. 1983 йилнинг 5 ноябри иш куни деб ҳисоблансин.

2. Ишчи ва хизматчилар фойдаланмаган 1983 йил 5 ноябрь дам олиш куни уларнинг йиллик отпускасига қўшилсин ва отпуска кунларига тўлангани каби тартибда ҳақ тўлансин.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» область газетасининг редактори ўртоқ Нўъмон **Насимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

## тонгги газеталарда

● «Металлургияга — аниқ маром» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада саноатнинг етакчи тармоқларидан бири — металлургия корхоналарининг аниқ маромда ишлиши, унинг жадал суръатлар билан ривожланиши халқ хўжалиги барча тармоқларининг аниқ маромда ишлашига, КПСС XXVI съезди олдинга қўйган вазифаларнинг, ўн биринчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилади, деб таъкидланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

● ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

## ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида қолган кишиларнинг кўрсатган жасоратлари одамларнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Бизнинг пионер дружинамиз мактабимиз битирувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, танкчи Вольдемер Шаландин номи билан аталади. У фашист босқинчиларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангида қурбон бўлган. Танк ичида ёниб кетган. Ана шу жасорат ҳозирга қадар бизнинг қалбимизга шуур бағишлаб турибди.

Биз у кўрсатган қаҳрамонликни, ота ва боболаримиз кўрсатган жасоратларни ҳеч қачон унутмаймиз.

Дружинамиз Москвадаги Таъзим тепалигида Ғалаба мемориалини бунёд этиш ҳақидаги хабарни эшитишимиз билан дарҳол бир фикрга келди — мемориал қурилишига биз ҳам ҳисса қўшамиз.

Ҳозирга қадар икки тонна макулатура йиғдик. Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Тошкент меҳнаткашларига Мурожаатига қўшилиб, макулатура, металл-лом йиғишни давом эттирмоқдамиз. Оталиқ ташкилот — «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи билан ҳамкорликда Коммунистик шанбаликда қатнашамиз. Шанбаликдан тушган барча маблағлар Ғалаба мемориали қурилиши фондига ўтказилади.

Биз Тошкент шаҳридаги барча тенгдошларимизни, барча мактаб ўқувчиларини қурбон бўлган қаҳрамонлар олдидаги бурчларини бажаришга чақирамиз. Зарбдор меҳнат она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ҳаётини қурбон қилганларга билдирилган энг яхши ҳурмат бўлади. Ғалаба мемориали абадий порлаб турсин. Биз шу кундаги фаровон ҳаётимиз учун, Ватанимиз осмонининг мусаффо бўлиши учун ўз жонларини қурбон қилганларнинг хотирасига ҳамиша содиқ қоламиз.

80-мактабнинг В. С. Шаландин номли пионер дружинаси аъзолари.

*Луқма*

## «ҚОҒОЗ ҚАЛҚОН» ОРТИДА

Баён этилаётган воқеада квартира эгаларини излаб топа олмадик. Газетхон А. Айдарбекова редакцияга йўллаган мактубида шундай ёзилган эди: «II группа инвалиди бўлган ўғлим билан бир хонали секцияда яшайман. Бутун қийинчилик тор жойда яшашимизда. Ўғлим 20 ёшда, у бировнинг қараб туришига муҳтож. Хонанинг торлиги бошқа қийинчиликлар ҳам туғдиряпти.

Мен булар ҳақида Акмал Икромов район Совети ижроия комитетига хабар қилиб, бизнинг пастимиздаги иккинчи қаватда, Чилонзорнинг «В—15» кварталидаги 26-уйда тўрт ойдан бери икки хонали кичик габаритли квартира бўш турганини айтган эдим. Шаҳарда уй-жой фонди танқис бўлган пайтда буни қандай тушунмоқ лозим?»

Редакция район Совети ижроия комитетига расмий сўров хати юборган эди. Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Медниковдан жавоб олинди:

«Иккинчи қаватдаги бўш турган квартира масаласида хабар қиламиз: 15-квартал, 26-уйдаги 5-квартира Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 28.01.83 йилдаги № 1/7 — О хати ва район Совети ижроия комитетининг 14.03.83 йилдаги № 64 хати билан «Мостострой»га бириктиб қўйилгани аниқланди».

Кимга қайси квартирани тақсимлаш оддий масала эмас. Шундай экан, редакция ушбу масалани тегишли ташкилотлар учун ҳал этиш ниятида эмас. Гап бошқа нарсада: район ижроия комитетидагилар қоғозни қалқон қилиб масаланинг моҳиятини кўришмади. Сохта жавоб пухта ёзилган, ҳатто юқори идораларга ишора қилинган. Ундан хато топиб бўлмайди. Лекин жавобда асосий нарса йўқ: уй-жой жуда танқис бўлган пайтда нега квартира бўш турибди. Ушбу масала район ижроия комитетида ҳеч кимни тўлқинлантирмаяпти деган тасаввур пайдо бўлади. Квартирадан фойдаланилмаётгани сабаблари, шамолга учирилган маблағлар, аҳоли яшамаётган квартира балансида бўлган ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳақида ўртоқ Г. Медников лом-лим демасликни раво кўряпти.

Номаълум сабабларга кўра квартиралар бўш турган, унинг эгалари фақат қоғозда бўлган юқоридаги каби фактлар озми? Редакцияга келаётган бошқа мактублар ҳам шундан далолат беради. Худди ана шу фактлар аҳолининг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўляпти. Буларнинг ҳаммасини одамлар кўриб турибди, бюрократларча сохта жавоб билан уларнинг кўзидан яшириниб бўлмайди.

Турли имзолар, штамплар билан тўлдирилган қоғознинг ўз салмоғи бор. Лекин қурилиши учун ўн минглаб сўм сарфланган квартирадан давлатга фойда эмас, балки зарар келтириб фойдаланилаётганини фактини бундай қалқон билан яшириб бўлмайди.

«Қоғоз қалқон»да ҳамма нарса сип-силлиқ. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг В. И. Смотров бошчилик қилаётган турар жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармасида умумий рўйхатда ана шу квартира ёзилган жой ёнига тегишли белги қўйилган бўлса керак. Акмал Икромов район Совети ижроия комитетида ҳам қоғозда... ҳаммаси жойида.

Газетхон «Давлат квартираси бўш турибди!» деб бонг уряпти. Масъул шахслар бунга парво қилишмаётганга ўхшайди. Уларнинг ўзларини бундай тутишларини қандай тушунмоқ керак? Уларнинг ҳужжатларида ҳаммаси қойил мақом ёзилган, улар қоғоздан бошқа нарсани кўришни исташмаяпти. Ишга ана шундай муносабат оқибатида квартира масаласида суиистеъмол ҳолларига замин яратилмайдими?

Газетхонлар ўз хатларида сўрашяпти: бундай чигалликнинг оқибати нима билан тугайди ва бунинг учун ким жавоб бериши керак? Саволлар ҳаққоний. Редакция ҳам ана шу саволларга жавоб кутади.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ГАВАНА. АДР ташқи ишлар министри Шох Муҳаммад Дўстнинг Кубага қилган расмий дўстона визити якунлари юзасидан қабул қилинган Куба — Афғонистон қўшма ахборотида тинчлик учун ва ядро уруши хавфини тугатиш учун, АҚШ маъмуриятининг авантюристик сиёсатига қарши курашни ҳар томонлама кучайтириш ғоят муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар СССР, Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг ялпи тинчликни таъминлашга қаратилган куч-ғайратларига юксак баҳо бердилар. Шу муносабат билан улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов илгари сурган тинчлик ташаббуслари ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Куба билан Афғонистон вакиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг, шунингдек қўшилмаган мамлакатлар халқларининг империализмга, янги мустамлакачиликка, ирқчилик, апартеид, сионизм ва реакцияга қарши одилона курашини қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

● САН-ФРАНЦИСКО. АҚШнинг шимолий-ғарбидаги денгиз портлари кемасозлари ва кема ремонтчиларидан 10 минг кишининг забастовкаси ғалаба билан тугади. Ана шу стачка натижасида Сан-Франциско, Окленд, Портленд, Такома ва Сиэтлдаги тўққизта энг катта кемасозлик корхонаси ва докнинг иши икки ой давомида издан чиқарилди.

● ЛИМА. Перуда мамлакатдаги энг катта касаба союз бирлашмаси — мамлакат меҳнаткашлари умуммиллий конфедерациясининг даъвати билан эълон қилинган умуммиллий забастовка бошланди.

Перу меҳнаткашлари умумий конфедерациясининг бош секретари Валентин Пачо бу забастовкада беш миллиондан кўп киши қатнашаётганлигини айтди. Иш ташловчилар маъмурларнинг халқ оммасини қашшоқликка, ишсизликка ва ҳуқуқсизликка маҳкум этаётган иқтисодий сиёсатининг ўзгартирилишини, полициячилар бедодлигига, меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва демократик эркинликларига ҳуруж қилишга чек қўйилишини талаб қилмоқдалар.

Перу сўл кучлар бирлиги коалицияси умуммиллий забастовкани қувватлаб чиқди.

● ХАРАРЕ. Бу ерда Буюк Британия ҳукуматининг Зимбабве Республикаси ички ишларига аралашувига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Консерваторлар кабинетининг суверен давлатга ўз шартларини зўрлик билан тиқиштириш йўлидаги уринишларидан ғазабланганликларини изҳор этмоқ учун 3 мингдан кўп киши шаҳар кўчаларидан юриб, Англия элчихонаси томон борди. Намойишчилар империалистларнинг аралашувини қораловчи плакатлар ва шиорларни кўтариб ўтдилар.

(ТАСС).

● Сўнгги соатда

## СССР—ПОЛЬША—2:0

СССР терма командасининг футболчилари кеча Европа чемпионатининг навбатдаги саралаш матчида ўз майдонларида Польша терма командасини қабул қилдилар. Учрашув совет футболчиларининг устунлиги билан ўтиб, 2:0 ҳисобида уларнинг ғалабаси билан тугади. Меҳмонлар дарвозасига тўпларни Демьяненко ва Блохин киритдилар.

Бу ғалабадан сўнг СССР командаси беш ўйиндан 9 очко тўплаб, ўз группасида танҳо пешқадамлик қилмоқда.

